# Қайси уйда Аллоҳнинг зикри бўлиб турса, ўша уй тирикдир




04:28 / 04.09.2025 1252

عَنْ أَبِي مُوسَى هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: مَثَلُ الْبَيْتِ الَّذِي يُذْكَرُ اللهُ فِيهِ وَالْبَيْتِ الَّذِي لَا يُذْكَرُ اللهُ فِيهِ مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ. رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

*Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**«Аллоҳ зикр қилинадиган уй билан зикр қилинмайдиган уй худди тирик ва ўликка ўхшайди», дедилар».**

*Икки шайх ривоят қилганлар.*

**Шарҳ:** Банда ўз Роббини ҳар доим ва ҳар жойда зикр қилиши керак, шу жумладан, уйда ҳам. Қайси уйда Аллоҳ таолонинг зикри бўлиб турса, ўша уй тирикдир. Қайси уйда Аллоҳ таолонинг зикри бўлмаса, ўша уй ўликдир.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 35-жузи***

Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 2 августдаги 02-07/6202-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.